

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖИЯНОВА НАРГИЗА ЭСАНБОВНА**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ**  
**РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2025 йил**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора по экономическим  
наукам (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor (DSc) in economical  
sciences**

**Жиянова Наргиза Эсанбоевна**

Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқариш  
методологиясини такомиллаштириш.....3

**Жиянова Наргиза Эсанбоевна**

Совершенствование методологии управления финансовыми ресурсами  
хозяйствующих субъектов.....41

**Жиянова Наргиза Эсанбоевна**

Improving the methodology of managing financial resources of economic  
entities .....79

**E'lon qilingan ishlar ro'yxati**

Список опубликованных работ

List of published works.....84

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖИЯНОВА НАРГИЗА ЭСАНБОВНА**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРИ МОЛИЯВИЙ**  
**РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2025 йил**

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида № B2023.2.DSc/Iqt485 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Карлибаева Рая Хаджибаевна  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Жумаев Нодир Хосиятович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Элмирзаев Самариддин Эшқуватович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ашурова Насиба Батировна  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «12» 06 куни соат 19.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 188 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «29» 05 куни тарқатилди.  
2025 йил «29» 05 даги «40» рақамли реестр баённомаси).



[Signature] **Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

[Signature] **Ж.Х.Атаниязов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

[Signature] **И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори ( DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг тез ўзгарувчан шароитида хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини малакали бошқариш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Мавжуд молиявий ресурслар ҳақида тизимли ва тўлиқ ишончли маълумотга эга бўлмаса, хўжалик юритувчи субъектлар ўз активларининг 20% гача йўқотиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар дебиторлик қарзларининг умумий миқдори 2023 йил якуни бўйича 271501,7 млрд.сўм бўлиб, шу жумладан муддати ўтган дебиторлик қарзлар 15516,2 млрд.сўм бўлиб, 2022 йилга нисбатан 2,3 баробарга ошган ёки умумий кўрсаткичнинг 5,7 фоизини ташкил қилади. Кредиторлик қарздорликнинг умумий миқдори эса 2023 йил якуни бўйича 296541,4 млрд сўм бўлиб, муддати ўтган кредиторлик қарздорлик 2022 йилга нисбатан 1,2 мартага ошган ва 8587,6 млрд сўмни ташкил этди. Турли ташкилий ҳуқуқий шаклга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурслардан фойдаланиш муаммолари мавжуд, шу жумладан уларни бошқариш, яъни, ўз айланма маблағлари билан таъминланишнинг паст даражадалиги, тўлов қобилияти ва ишбилармонлик фаоллигинининг етарли даражада эмаслиги ва хоказо. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ташқи манбалардан, яъни узоқ муддатли кредитлар олиш жараёнларининг мураккаблашуви шароитида ички молиявий салоҳиятни ошириш муаммоси янада кескинлашиб бораёпти. Капитал тузилмасини оптималлаштирмайдиган, пул оқимлари, дебиторлар, кредиторлар ва давлат билан ҳисоб-китобларни кузатмайдиган, харажатларнинг хўжалик ҳисобини ташкил қилмайдиган, жорий, молиявий ва инвестицион фаолиятини таҳлил қилмайдиган, деталли молиявий прогнозлар ва бюджетлар тузмайдиган хўжалик юритувчи субъектларда арзон ва қулай ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдалана олмаслик хавф-хатарлари юзага келади.

Жаҳон амалиётида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш глобал ноаниқликнинг доимий ўсиши шароитида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг сўнгги мавжуд прогнозларига кўра, 2024 йилда жаҳон ЯИМи тахминан 3,0–3,2 фоизга ўсиши кутилмоқда<sup>1</sup>. Шу билан бирга, АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи мамлакатлари каби етакчи иқтисодиётлар бир қанча турли йўналишдаги тамойилларга, жумладан, хизматлар соҳаси ва юқори технологиялар тармоқларида ўртача ўсиш, саноат ишлаб чиқаришининг сусайиши, хом ашё бозорларида сақланиб келаётган ноустуворлик, бир қатор мамлакатларда молиялаштиришга эришишни қийинлаштираётган юқори фоиз ставкалари дуч келмоқда, Қўшимча равишда, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ҳар йили 20 фоизга яқин кичик ва ўрта бизнес нотўғри молиявий бошқарув

<sup>1</sup> International Monetary Fund (2023). World Economic Outlook Update, October 2023. Washington, DC: IMF. <https://www.imf.org/en/Publications/WEO>

туфайли фаолиятини тўхтатади.<sup>2</sup> Жаҳондаги хўжалик субъектларининг қарздорлик миқдори ортиб бормоқда, бу молиявий барқарорликни бошқариш заруратини оширади. Халқаро валюта жамғармасининг (IMF) 2023 йил ҳисоботида таъкидланишича, жаҳондаги компаниялар қарздорлиги ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 90 фоиздан ошиб кетган ва молиявий ресурсларнинг самарали бошқарилиши компанияларнинг экспорт салоҳиятини 25 фоизга оширади. Ушбу жиҳатлар замонавий иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришнинг аҳамиятини янада кучайтиради.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқаришнинг замонавий усуллари жорий этишда молия-хўжалик фаолияти хусусиятлари янада чуқурроқ ўрганиш, молиявий ҳолатини яхшилашнинг муҳим жиҳатлари сифатида айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш асосида кредиторлик мажбуриятларини ва дебиторлик қарзларини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон–2030» стратегиясида<sup>3</sup> «...Саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 25 фоиздан 32 фоизга етказиш, қайта ишлаш саноатида меҳнат унумдорлигини 2 баробар ошириш. саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш ва 2,5 миллионга юқори даромадли иш ўринларини яратиш., йирик хўжалик юритувчи субъектлар томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ҳудудий хўжалик юритувчи субъектлар билан кооперация алоқаларини кенгайтириш» каби вазифаси белгиланган. Мазкур вазифа ижросини таъминлашда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларни самарали бошқариш ва илмий асосланган қарорлар қабул қилишда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурсларини замонавий бошқариш моделини ишлаб чиқишга имкон берувчи тизимли ёндашув зарурияти юзага келди. Ушбу модел молиявий ресурсларни самарали шакллантириш ва тақсимлашга қаратилган бўлиб, нафақат максимал фойда олиш ва инвестиция жозибадорлигини оширишга ёрдам беради. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлайдиган такомиллашган баҳолаш мезонларини тадқиқ қилишда замонавий ёндашувлар ва рақамли иқтисодиёт талаблари асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 сентябрдаги ПФ-158-сонли ««Ўзбекистон–2030» стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сонли «Капитал бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли «Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни ислоҳ қилишни

<sup>2</sup> The World Bank (2023). *Global Economic Prospects, June 2023*. Washington, DC: World Bank, <https://www.worldbank.org/en/publication/global-economic-prospects>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони

жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 6 июлдаги ПФ-108-сонли «Маъмурий ислохотлар доирасида рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги ПҚ-39-сонли «Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги, 2021 йил 29 мартдаги 166-сонли «2021–2025 йилларда давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш ва ислох қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 9 декабрдаги 775-сонли «Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги 181-сонли «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» буйруғи ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий тадқиқотлар халқаро ташкилотлар, жаҳондаги етакчи университет ва марказлар томонидан амалга оширилмоқда, жумладан, Harvard Business School, MIT Sloan School of Management (АҚШ), Yale University, University of California, Columbia University, World Bank, IMF, New York University, University of Chicago, Financial Management Association (АҚШ), University of Cambridge, University of Greenwich, Лондонская школа экономики и политических наук (LSE), London school of Economics (Буюк Британия), Сингапурский национальный университет (NUS Business School), McKinsey Global Institute (Франция), Центр финансовых исследований (Center for Financial Studies, Германия), All-Russian Public Organization Russian Club of Financial Directors (Россия), McKinsey & Company, Institute of Finance and Commodity Markets (Германия), KU Leuven (Белгия), Корпоратив молия

институту (Corporate Finance Institute, CFI) (Германия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Банк-молия академияси (Ўзбекистан Республикаси) томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда.<sup>4</sup>

Жаҳонда хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурсларни бошқаришнинг илмий-назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган изланишлар негизда бир қатор илмий натижаларга эришилган. Жумладан: хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий стратегиясининг моҳиятини замонавий илмий ёндашувлар нуқтаи назаридан аниқлаш, хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларининг ҳозирги ҳолатини ва келажакда уларни тақсимлаш ва фойдаланиш йўналишини аниқлаш учун молиявий стратегияни шакллантириш зарурлиги асосланган. (Harvard Business School). Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий бозор ва корпоратив эҳтиёжлардаги ўзгаришларга мослашувчан динамик капитали тузилмавий моделидан фойдаланиш таклиф этилган, бунда молия бозорининг жорий ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда хусусий ва қарз капитали ўртасидаги мувозанатни ўз ичига олиши илмий асосланган. Молиявий ва инвестицион қарорларни баҳолашда нафақат молиявий, балки экологик ва ижтимоий кўрсаткичларни ҳам ҳисобга олган ҳолда кўп мезонли таҳлилдан фойдаланиш таклиф этилган. (Лондон иқтисодиёт фанлари мактаби (LSE)). Ижтимоий ва экологик масъулиятни ҳисобга олган ҳолда барқарор инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бу компания қийматини янада ошириши ва камроқ хавф билан инвестицияларни жалб қилиш асосланган (All-Russian Public Organization Russian Club of Financial Directors (Россия)), замонавий аналитик усуллар ва дастурий таъминот алгоритмларидан фойдаланган ҳолда айланма маблағларни бошқариш самарадорлигини ошириш учун моделларни ишлаб чиқиш, краудфандинг, барқарор ривожланиш облигациялари ва яшил облигациялар каби янги молиявий воситалар самарадорлигини таҳлил қилиш, эконометрик инструментлар ва моделлар ёрдамида аниқланган. (Сингапур миллий университети (NUS Business School), иқлим, геосиёсий ва киберхавфлар каби пайдо бўладиган хавфларни, шунингдек, молиявий хавфнинг бошқа долзарб мавзуларини ўрганишга эътибор қаратилган, хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик, молиявий ва инвестицион фаолиятида иқлим, геосиёсий ва киберхавфлар каби пайдо бўладиган хавфларни, шунингдек, молиявий хавфларни самарали бошқариш ва минималлаштириш стратегияларини кенгроқ қўллаш таклиф этилган (New York University).

Жаҳондаги илмий марказлар, олий таълим муассасалари ва халқаро рейтинг компаниялари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурсларни бошқаришнинг фундаментал, илмий-методологик ва амалий муаммоларини такомиллаштиришга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда, хусусан, молиявий ресурсларни бошқариш методологиясини

---

<sup>4</sup> Proceedings of the Russian Financial Management Forum, Russian Club of Financial Directors, 2023. <https://financial-directors-club.ru>, Harvard Business School Working Knowledge: <https://hbswk.hbs.edu>, <https://www.lse.ac.uk/finance>, <https://bschool.nus.edu.sg/research/>, NYU Stern Center for Sustainable Business: <https://www.stern.nyu.edu/sustainability>



такимллаштириш ва молиявий бошқарув тузилмасини ишлаб чиқишда молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолаш, молиявий бошқарувнинг ахборот базаси инфратузилмасини ривожлантириш, молиявий натижалар ва активларни баҳолашнинг эконометрик инструментларини амалиётга жорий этиш орқали истиқболли стратегияларни шакллантириш, капитал таркиби ва тузилмасини оптималлаштириш, инқирозга қарши молиявий бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш механизмини ривожлантириш, молиявий-инвестицион қарорлар қабул қилишда молиявий ҳолатни баҳолашнинг молиявий кўрсаткичларнинг кўшимча мезонларини жорий этиш орқали янги баҳолаш моделларини ишлаб чиқиш каби йўналишларни келтириш мумкин.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий мазмуни ва асосий масалалари бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Д.Уильямс, Г.Марковис, У.Шарп, Ф.Модильяни, М.Миллер, Д.Ван Хорн, Э. Томпсон, Л. Бейкер, Дж. Смит, Ж.Тан, К.Чен, А.Хепберн, Х.Мюллер, К.Шмидт, А.Боуэн, Н.Стернларнинг<sup>5</sup> илмий изланишларини келтириш мумкин. Улар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқилган моделлар молиявий ресурсларни бошқаришни мустақил илмий йўналиш, фундаментал фан сифатида шаклланишига хизмат қилган. Олимлар томонидан молиявий ресурсларни бошқаришнинг фундаментал-илмий асослари яратилган, айланма маблағларни бошқариш ва янги молиявий воситаларни таҳлил қилишнинг илмий аҳамияти очиб берилган.

МДХ давлатларининг олимлари, жумладан, С.Пряничников, И.Бланк, И.Лукасевич, П.Левчаев, О.Дягель, Г.Поляк, С.Галицкая, С.Кован, В.Ковалев, Н.Мартынова, Т.Теплова ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Олимлар томонидан молиявий бозорлар архитектурасини, шунингдек, капитал бозорлари билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳлил қилиш, молиявий бошқарувда рақамли технологиялардан, шу жумладан, блокчейн, сунъий интеллект ва молиявий дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича илғор қарорларни ишлаб чиқиш, қарз капитали билан ишлашда хавфларни

<sup>5</sup> J.B.Williams. The theory of investment Value (Cambridge, Mass.: Harvard University Press, 1938); Markowitz, H.M. Portfolio Selection: Efficient Diversification of Investments; John Wiley & Sons: New York, NY, USA, 1959; Sharpe, W.F. Capital asset prices: A theory of market equilibrium under conditions of risk. J. Financ. 1964; Modigliani, F.; Miller, M.H. The cost of capital, corporate finance, and the theory of investment. Am. Econ. Rev.; Altman, Edward I. (September 1968). «Financial Ratios, Discriminant Analysis and the Prediction of Corporate Bankruptcy». Journal of Finance. 23 (4); Knight, F.H. Risk, Uncertainty, and Profit; Houghton Mifflin Co.: Boston, MA, USA; New York, NY, USA, 1921; Дж. К. Ван Хорн, Дж.М. Вахович. Основы финансового менеджмента. 11-е издание. Издательский дом «Вильямс». Москва-Санкт-Петербург-Киев. 2004 - 988 стр; Smith, J. A., & Patel, R. (2021). Emerging Risks in Financial Management: Climate, Geopolitical, and Cyber Threats. *NYU Stern School of Business Research Paper Series*, Johnson, K., & Liu, X. "Managing Geopolitical and Cyber Risks in a Globalized Economy." *Journal of Risk and Financial Management*, 2022. Thompson, E., & Baker, L. "Resilience Strategies in Financial Operations." New York University Press, 2020., Smith, J. A., & Patel, R. "Emerging Risks in Financial Management: Climate, Geopolitical, and Cyber Threats." NYU Stern School of Business, 2021., Tan, J., & Chen, Y. (2022). Optimizing Working Capital with Advanced Analytical Tools: A Study from Singapore. *Asia Pacific Journal of Finance*., Müller, H., & Schmidt, K. (2022). *Corporate Financial Resource Management in a Changing Global Economy*. Institute of Finance and Commodity Markets, Germany., International Financial Reporting Standards (IFRS). Conceptual Framework 2021 Edition.

бошқариш, ликвидлик хавфини таҳлил қилиш ва бу соҳада динамик моделлардан фойдаланиш борасида тадқиқотлар олиб борилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий моҳияти ва айрим элементлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Т.Маликов, О.Олимжонов, Р.Карлибаева, Б.Тошмуродова, М.Хамидулин, С.Элмирзаев, О.Хамдамов, Х.Худойкулов, Ш.Турсунходжаева, А.Шомиров, Н.Турсунова, М.Эшовларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.<sup>6</sup>

Т.С.Маликов, О.О.Олимжоновларнинг илмий асарларида хўжалик юритувчи субъектлар молиясининг моҳияти ва унда кўриладиган масалаларнинг айрим жиҳатлари ёритилган. М.Б.Хамидулин ўзининг илмий тадқиқотларида корпоратив бошқарув ва унинг молиявий механизмларини тадқиқ қилган. Б.Э.Тошмуродова, С.Э.Элмирзаев, Р.Х.Карлибаеваларнинг илмий ишларида хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг илмий методологик асослари, ташкилий тамойиллари, акционер жамиятларда капитални шакллантириш, молиявий барқарорлигини бошқариш самарадорлиги ва хўжалик юритувчи субъектларда солиқ менежментини ташкил этиш каби масалалар ёритилган. О.Н.Хамдамов ўзининг илмий тадқиқот ишларида хўжалик юритувчи субъектларида молиявий менежмент тизимининг концептуал асослари, акционерлик жамиятларда инқирозга қарши молиявий бошқарув механизмини услубий асосларини такомиллаштири йўллари тадқиқ этилган. Н.Р. Турсунова томонидан корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни такомиллаштириш масалалари, А.А.Шомиров томонидан акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларини бошқаришга таъсир этувчи омиллар ва акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларини самарали бошқариш

---

<sup>6</sup> Бланк, И. А. Управление финансовыми ресурсами / И. А. Бланк. – М. : Омега-Л, 2011. – 768 с., Белолипецкий, В. Г. Финансы фирмы : учеб. пособие / В. Г. Белолипецкий. – М. : ИНФРА-М, 2009. – 244 с., Дягель, О. Ю. Методическое обеспечение решения аналитических задач управления дебиторской задолженностью / О. Ю. Дягель, И. А. Полякова // Инновационное развитие экономики. – 2016. – № 2 (32). – С. 152–164., Ковалёв В.В.. Финансовый менеджмент: теория и практика / В.В.Ковалёв. – М. : ТК Велби, Изд-во Проспект, 2019. – 1805 с., Жуков Е.Ф. Финансовый менеджмент: Учебник. – М.: Юнити-Дана, 2021. – 528 с., Лукасевич, И. Я. Финансовый менеджмент : учебник / И. Я. Лукасевич. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Эксмо, 2010. – 768 с., Левчаев, П. А. Менеджмент финансовых ресурсов хозяйствующих субъектов : учеб. пособие / П. А. Левчаев, В. И. Осипов, Д. А. Массе-ров, С. А. Щанкин. – Саранск : Мордов. ун-т, 2011. – 248 с., Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2018. – 34 б., Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc) диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2017. 64 б., Ҳамдамов О. Н. Корхоналарда молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш (PhD) диссертацияси автореферати – Тошкент, 2018. – 54 б., Турсунова Н.Р.Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари: (PhD) диссертацияси автореферати – Тошкент, 2019. – 55 б., Шомиров А. А. Акциядорлик жамиятлар молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари: PhD) диссертацияси автореферати – Тошкент, 2019. – 63 б., Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореф. дис. на соискание уч. степ. д.э.н. –Т.: БМА, 2008, Худойкулов Х.Х. Акциядорлик жамиятларида капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш: И.ф.д (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент 2021. 65 б., Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия. Дарслик.-Т.»Молия- иқтисод».2021-462 б., Модильяни Ф, Миллер М. Сколько стоит фирма?: пер. с англ. М.: Дело. 2001, Ван Хорн, Джеймс К., Вахович (мл.), Джон М. Основы финансового менеджмента. – 12-е изд.: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2020. – 1485 с., Гаврилова, А. Н. Финансовый менеджмент : учеб. пособие / А. Н. Гаврилова, Е. Ф. Сысоева, А. И. Барабанов. – М. : КноРус, 2013. – 432 с. Белолипецкий, В. Г. Финансы фирмы : учеб. пособие / В. Г. Белолипецкий. – М. : ИНФРА-М, 2009. – 244 с.

концепциясини ишлаб чиқиш бўйича илмий натижалар шакллантирилган. Х.Х.Худойкулов томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларни бошқаришда асосий масалаларидан бири бўлган капитал таркибини баҳолаш ва унинг услубий асослари тадқиқ қилинган. Бироқ хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг хорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда алоҳида илмий йўналиш сифатида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат ҳам танланган мавзунинг долзарблигини англатади.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТМ-3 «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналишлари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатларини очиқ бериш ҳамда молиявий ресурсларини бошқариш юзасидан ёндашув ва қарашларни тавсифлаш;

хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг ҳаётий цикл босқичларини тадқиқ қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг аналитик таъминотини ўрганиш;

хўжалик юритувчи субъектлари дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини бошқариш масалаларини тадқиқ қилиш;

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ молиявий ресурсларини бошқариш ҳолатини таҳлил қилиш ва методологияси муаммоларини аниқлаш;

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ молиявий ресурсларини бошқаришнинг эконометрик таҳлилин аналга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари таҳлили натижалари асосида аналитик дастаклар бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларни бошқариш методологиясини такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб молиявий ресурсларни бошқариш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни тизимлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш тизими танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш жараёнида юзага келадиган молиявий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндошув, мантикий фикрлаш, монографик кузатув, таққослаш, иқтисодий таҳлил, моделлаштириш, балли баҳолаш, истикболли прогнозлаш усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш жараёнини уларнинг ҳаёт цикли босқичлари (келиб чиқиши, ўсиш, етуклик ва қариш) эҳтиёжларига мувофиқ тарзда қайта кўриб чиқиш ва унинг асосида молиявий ресурсларнинг оптимал миқдорини аниқлаш, уларни шакллантириш, оқилона фойдаланиш, таҳлил ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш борасидаги илмий-назарий қарашлар бўйича мустақил муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган;

хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича қўшимча мезонларни ишлаб чиқишда функционал молиявий ресурслар айланмаси 1 дан юқори, рентабеллиги эса 100 фоиздан юқори нормал қийматларни белгилаш билан таҳлилий молиявий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъектда дебиторлик қарздорликни бошқариш сифатини ошириш учун назоратни ташкил этиш вариантлари сифатида АВС гуруҳларига бўлиш, бунда А гуруҳига дебиторлик қарздорларининг 80 фоизи ва ундан юқори улушини ташкил этадиган харидорларни киритиш, В гуруҳга ўртача дебиторлик қарздорликнинг 15 фоиз улушига эга бўлган харидорлар ва учинчи С гуруҳига дебиторлик қарздорларининг умумий ҳажмида тахминан 5 фоиз улушга эга бўлган мижозларни киритиш таклифи асосланган;

хўжалик юритувчи субъектининг кредиторлик қарздорлигини бошқаришда мақсадли маблағлар оқимида аванс тизмидан воз кечиш таклифи асосланган;

хўжалик юритувчи субъекти активларининг рентабеллигига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили ва натижаларини баҳолаш асосида миқдорий молиявий кўрсаткичларнинг 2028 йилгача бўлган прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқилган молиявий ресурсларини бошқаришнинг мантикий ва замонавий модели амалиёт учун тавсия қилинган;

хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурслар ахборот таъминоти сифатида муҳим кўрсаткичларининг баҳолаш мезонлари учун дастурий таъминотлардан фойдаланиш тавсия қилинган;

хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ресурсларини бошқаришнинг муҳим индикаторларини белгилаш, уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш методологияси такомиллаштирилган;

хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятининг ўсиш ва етуклик босқичларида молиявий ресурсларни йўқотишнинг молиявий хавфини камайтириш мақсадида қўшимча даромад келтирадиган активларга сармоя киритиш, тўлиқ цикли ишлаб чиқариш тизимини яратиш ва ер майдонлари, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш учун

юқори молиявий салоҳиятга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга бирлашиш тавсия қилинган;

йирик хўжалик юритувчи субъектлар дебиторлик қарзларини муваффақиятли бошқариш учун молия бўлими таркибида дебиторлик қарзлари билан ишлаш бўйича махсус бўлимларни яратишилиши бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган методологик таклиф ва амалий тавсиялар хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштиришга доир дастурлар ва истиқболдаги режаларни ишлаб чиқишда ҳамда бакалаврият таълим йўналишларида ўқитилаётган «Хўжалик юритувчи субъектлар молияси» фанининг ўқув дастури ва қўлланмаларини давр талабига мос равишда такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш жараёнини уларнинг ҳаёт цикли босқичлари (келиб чиқиши, ўсиш, етуклик ва қариш) эҳтиёжларига мувофиқ тарзда қайта кўриб чиқиш ва унинг асосида молиявий ресурсларнинг оптимал миқдорини аниқлаш, уларни шакллантириш, оқилона фойдаланиш, таҳлил ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш борасидаги илмий-назарий қарашлар «Финансы: модуль 3. Финансы хозяйствующих субъектов» дарслигига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-314-сон гувоҳномаси). Мазкур илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш миллий иқтисодиётда интеграциялашган тузилмалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича қўшимча мезонларни ишлаб чиқишда функционал молиявий ресурслар айланмаси 1 дан юқори, рентабеллиги эса 100 фоиздан юқори нормал қийматларни белгилаш билан таҳлилий молиявий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш амалиётда «Иссиқлик электр станциялари» АЖ хўжалик юритувчи субъектининг 2024 йил бизнес-режасига киритилган («Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2023 йил 29

августдаги 05-27/964-сон маълумотномаси). Натижада, аналитик таъминлаш тизими хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурслар таркибини бир қатор мезонлар бўйича баҳолашга имкон берди.

Хўжалик юритувчи субъектда дебиторлик қарзларини бошқариш сифатини ошириш учун назоратни ташкил этиш вариантлари сифатида АВС тизимини қўллаш ва йирик хўжалик юритувчи субъектлар дебиторлик қарзларини муваффақиятли бошқариш учун молия бўлими таркибида дебиторлик қарзлари билан ишлаш бўйича махсус бўлимларни яратиши ва амалиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик қарздорликларни «А», «В», «С» гуруҳларга ажратган ҳолда бошқарилиши таклифи «Иссиқлик электр станциялари» АЖ ва унинг таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар амалиётида қўлланилган («Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2023 йил 29 августдаги 05-27/964-сон маълумотномаси, "Технолог" АЖнинг 2023 йил 28 августдаги 01-06/77 сон маълумотномаси). Натижада муддати ўтган дебиторлик қарзлари даражасини пасайтиришга, молиявий барқарорлигини ошириш ва маблағларнинг ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш имконини берди;

Хўжалик юритувчи субъектининг кредиторлик қарздорлигини бошқаришда мақсадли маблағлар оқимида аванс тизмидан воз кечишни жорий этиш амалиёти «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2024-2026 йиллар учун Бизнес модел ва стратегиясига киритилди. Мазкур амалиёт истикболда «Иссиқлик электр станциялари» АЖ аванс тизимдан воз кечиш орқали хўжалик юритувчи субъекти ўз ликвидлик даражасини сақлайди ва кредиторлик қарздорлигини ўз вақтида қоплаш имконини беради («Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2025 йил 5 февралдаги 05-08/232-сон маълумотномаси). Натижада 2024-2026 йилларда дебитор маблағлар ҳисобидан «Иссиқлик электр станциялари» АЖ табиий газ етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектлар «O'zgaztrade» АЖ, «O'ztransgaz» АЖ, «Hududgazta'minot» АЖлар олдидаги кредиторлик қарздорлиқнинг 74,2 фоизини сўндириш учун чора тадбирлар рўйхатига киритилди.

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ активларининг рентабеллигига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили ва натижаларини баҳолаш асосида миқдорий молиявий кўрсаткичларнинг 2028 йилгача бўлган прогноз қийматлари ишлаб чиқилган, бунда прогноз активларнинг бутун давр мобайнида қанчалик самарали фойдаланилаётганлигини баҳолаш имконини беради. («Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2025 йил 5 февралдаги 05-08/232-сон маълумотномаси). Натижада 2024–2028 йиллар даврида «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш натижасида соф фойда бўйича активлар рентабеллиги 2,53 фоизга ўсиш прогноз қийматлари шакллантирилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та республика ва 9 та халқаро миқёсда ўтказилган – жами 15 та илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан: 2 та монография, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган маҳаллий журналларда 11 та, хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ҳажми 263 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, хорижий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижалар ва илмий янгиликлар ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурслари тушунчалари ва таснифи, хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг назарий тушунчалари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини ҳаёт цикли асосида бошқариш: назарий-методологик асослар атрофича тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Молиявий ресурслар хўжалик юритувчи субъектлар даражасидаги молиявий муносабатларнинг моддий тимсоли бўлиб, улар барча пул маблағларини ва хўжалик юритувчи субъект томонидан таъминланмаган шаклда фойдаланиладиган пул маблағларининг бир қисмини ўз ичига олиши муҳимдир. Тўлов воситаси функциясини бажариш қобилияти ва активларнинг ликвидлик даражаси уларнинг молиявий ресурсларга тегишлилигининг ҳал қилувчи белгиларидир. Кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш, техник, меҳнат, моддий таъминот ҳажми, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши унинг молиявий ресурсларининг ҳажми, таркиби ва тузилишига боғлиқ. Улар жорий молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш, иқтисодиётни рағбатлантириш, такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш харажатларини қоплаш, давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, юридик ва жисмоний шахслар олдидаги молиявий мажбуриятларини бажаришга мўлжалланган. Умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари асосий воситаларни, номоддий активларни, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун товар-моддий захираларни сотиб олиш, иш ҳақи, солиқлар, ижара тўловлари, суғурта тўловларини тўлаш ва ҳоказоларга сарфланади.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар жорий фаолиятида молиявий ресурсларнинг таркибини оптималлаштириш ликвидлик ва тўлов қобилияти билан боғлиқ рискларни минималлаштириш билан амалга оширилади. Шунингдек, хусусий маблағлари улушининг кўпайиши субъектларнинг барқарорлигини оширишга ёрдам беради, қарз маблағларидан фаол фойдаланиш эса уларнинг жадал ривожланишини таъминлайди.



**1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ресурсларини бошқариш тизимининг таркибий мазмуни<sup>7</sup>**

Замонавий молиявий бошқарув доирасида IFRS (International Financial Reporting Standards) стандартлари молиявий маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилигига қўйиладиган талабларни белгилайди.<sup>8</sup> Бу эса молиявий қарорларни қабул қилишда таҳлилий воситалардан самарали фойдаланиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Аналитик таъминлаш тизими молиявий

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

<sup>8</sup> International Financial Reporting Standards (IFRS): Consolidated Texts for 2023. – London: IFRS Foundation, 2023. – 1368 p.



ресурсларнинг шаклланиши, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, таваккалчиликларни камайитириш ва молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим восита ҳисобланади.

Шу муносабат билан, молиявий ресурсларни бошқариш механизмининг юқоридаги моделини асослаш доирасида молиявий ресурсларни бошқаришни баҳолашда қўлланиладиган ҳар бир мезоннинг мазмунини белгилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Молиявий ресурсларни самарали бошқаришга эришиш учун қатор умумий муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Ушбу муаммолар молиявий бошқарув назарияси ва амалиётида яхши тадқиқ этилган ва аниқ тартибга солинган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш – бу жараён жорий молиявий ҳолат, истикболдаги фаолият ва ривожланиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда молиявий захираларнинг етарлилигини баҳолашни назарда тутди. Бу хўжалик юритувчи субъектнинг барқарор ривожланиши ва молиявий барқарорлигини таъминлаш учун муҳимдир;

2. Молиявий ресурсларни шакллантириш манбаларининг оқилона таркибини аниқлаш – хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларни шакллантиришда ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар ва ташқи инвестиция имкониятларини таҳлил қилиши лозим. Шу орқали молиявий харажатларнинг оптимал тузилмаси шакллантирилади ва молиявий барқарорлик таъминланади;

3. Хўжалик юритувчи субъектлари пул оқимларини барқарорлаштириш, аниқлаштирилган муддатда дебиторликни қоплаш орқали ликвидликни таъминлаш, тўлов интизомини кучайтириш, қарз мажбуриятларининг муҳлатлари ва тузилмасини оптималлаштириш ва мақсадли маблағлар оқимини рационал тақсимлаш учун дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни самарали бошқариш таъминланади;

4. Молиявий ресурслардан фойдаланишнинг оқилона мутаносиблигини ўрнатиш – молиявий ресурслар хўжалик юритувчи субъектнинг стратегик ривожланиши, янги лойиҳаларга инвестиция киритиш, жорий харажатларни қоплаш ҳамда таъсисчилар ва инвесторларга дивиденд тўлаш ва ҳаёт цикли босқичларида молиявий ресурслар ҳолатини комплекс таҳлил қилиш каби мақсадлар ўртасида мувозанатли тақсимланиши керак. Бу субъектнинг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини таъминлаш учун муҳим ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар молиявий ресурсларни бошқариш мақсадлари билан боғлиқ бўлиб, уларни хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаёт циклига мувофиқ аниқлаш ва тадбиқ этиш талаб этилади. Шунингдек, бошқарув вазифаларининг таркиби молиявий ресурсларни бошқариш самарадорлиги ва оқилоналигини баҳолаш учун зарур бўлган молиявий воситалар ва методик инструментларни танлашда муҳим восита ҳисобланади. Бу умумий ёндашув молиявий ресурсларни бошқариш механизмининг таркибий ва мантикий моделини шакллантириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги ва

ривожланишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади (2-расм). Ушбу омиллар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий бошқаруви жараёнида динамик равишда ўзгариб боради. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз молиявий ресурсларини самарали бошқариш учун ушбу омилларни ҳисобга олиб, ўз стратегияларини шакллантириши зарур.

Шу нуктаи назардан, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини тубдан англаш учун унинг мақсад ва вазифалари, бошқарув таъсирини шакллантирувчи асосий тамойиллар, инструментлар ва усуллар ҳақида мукамал тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Молиявий бошқарув методологияси — бу субъект ихтиёридаги молиявий ресурсларни самарали шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланиш ва мониторинг қилишни таъминлайдиган назарий ва амалий тамойиллар, механизмлар ҳамда таҳлил усуллари мажмуасидир.



**2-расм. Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришга таъсир этувчи асосий омиллари<sup>9</sup>**

Иқтисодий муҳит корхонанинг молиявий бошқарувига бевосита таъсир этади. Иқтисодиётнинг умумий ҳолати — макроиктисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ёки инқироз ҳолати корхонанинг даромадлари ва харажатларига таъсир кўрсатади. Шу билан биргаликда солиқ юкининг

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

даражаси корхонанинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш имкониятларига таъсир кўрсатади. Иқтисодиётдаги инвестиция муҳити корхонанинг молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларини белгилайди.

<p><b>Молиявий ресурсларнинг таркибини таҳлил қилиш ва режалаштириш</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаёт цикли босқичларига (келиб чиқиши, ўсиш, етуклик ва қариш) мос ҳолда молиявий ресурсларни шакллантириш таркибини ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиш ва қайта кўриб чиқиш.</li> </ul>
<p><b>Инвестиция дастурларини диверсификация қилиш</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Хусусий маблағларни юқори даромад келтирувчи активларга йўналтириш орқали улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.</li> <li>• Қарз маблағларини асосан ўрта ва узоқ муддатли лойиҳаларга сарфлаб, қайтариш муддатлари ва харажатларни оптималлаштириш</li> </ul>
<p><b>Қарз маблағларини жалб қилишда мақсадли ёндашув</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Хусусий ва қарз ресурслар нисбатининг функционал айланувчанлик ва рентабеллик мезонлари асосида самарадорлик баҳоси орқали молиявий режалаштиришни такомиллаштириш</li> <li>• Кредит рейтингини яхшилаш ва хавфларни камайтириш учун молиявий ҳолатни мустаҳкамлаш</li> </ul>
<p><b>Хусусий ва қарз маблағларининг мутаносиблигини таъминлаш</b></p>	<p>Хусусий маблағларнинг улушини ошириш мақсадида корхонанинг умумий рентабеллигини кўтариш.</p> <p>Қарз маблағларининг улуши юқори бўлган ҳолларда, фоиз ставкаларини камайтириш учун қайта молиялаштириш стратегияларидан фойдаланиш</p>
<p><b>Инновацион молиявий инструментлардан фойдаланиш</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Венчур молиялаштириш, краудфандинг ёки халқаро грантлар каби альтернатив молиялаштириш манбаларини жалб этиш.</li> <li>• Қимматли қоғозларни чиқариш орқали молиявий ресурсларни кенгайтириш</li> </ul>
<p><b>Молиявий хавфларни бошқариш</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қарз маблағлари бўйича хавфларни суғурталаш ва хеджинг механизмларидан фойдаланиш.</li> <li>• Молиявий ресурсларнинг ликвидлигини назорат қилиш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш.</li> </ul>

**3-расм. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслар таркибини шакллантиришнинг оптимал таъминлаш йўллари<sup>10</sup>**

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёни бозор муҳити билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, кредит ресурслари, қимматли қоғозлар бозори, банк фоиз ставкалари ва молиявий инструментлар, бозордаги рақобат муҳити корхона даромадлари ва молиявий режалаштириш стратегиясига таъсир қилади, аҳолининг харид қобилияти корхонанинг сотув ва даромадларини белгилаб беради.

Илмий адабиётларда молиявий бошқарувга нисбатан турлича ёндашувлар кузатилади. Жумладан, айрим тадқиқотчилар молиявий ресурслар бошқарувини субъект молиявий тизимининг функционал тизими сифатида талқин этган бўлсалар, бошқалар бу жараёни тўғридан-тўғри капитал ҳажмига таъсир этувчи бошқарув жараёни сифатида баҳолайдилар. Шу билан бирга, умумий нуктаи назарга кўра, молиявий ресурсларни бошқаришга оид назарий қарашлар 100 йилдан зиёд вақт аввал шаклланиб, бугунги кунгача мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Бироқ, замонавий иқтисодий муҳитда бошқарув инструментлари ва таҳлил механизмларини янада ривожлантириш талаб этилаётгани амалиётда ўз тасдиғини топмоқда.


Шу нуктаи назардан, тадқиқот доирасида молиявий ресурсларни бошқариш жараёнида молиявий таҳлилни методик жиҳатдан такомиллаштириш муҳим инструмент сифатида эътироф этилди. Ушбу таҳлил механизми бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда, шунингдек, ретроспектив ва жорий ҳолатни баҳолашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Муаллиф томонидан илгари сурилган ёндашувга кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолиятини таъминлашда «молиявий ресурсларни бошқариш» мустақил функционал тизим сифатида ажратиб кўрсатилиши зарур. И.А.Бланк таърифлаганидек, «молиявий ресурсларни бошқариш тизими — бу уларни самарали шакллантириш, тақсимлаш ва иқтисодий фаолият жараёнида мақсадли фойдаланишга қаратилган бошқарув қарорлари ва уларни амалга оширишнинг тамойил ва механизмлари мажмуасидир».

Хўжалик юритувчи субъектининг молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ ҳодисалар ва жараёнларни қарашлар тизими ва тушуниш усуллари, бу молиявий бошқарувнинг ушбу соҳасида молиявий қарорларни қабул қилиш мантиқини тушунишга имкон беради ва назарий асослари молиявий ресурсларни бошқариш тушунчалари билан ифодаланади.

Мамлакатдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони 2020-2023 йилларда ўсишда давом этмоқда. Бу даврда хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони 194238 тага кўпайиб, 49 фоизга ўсди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ҳам барқарор ўсиш кузатилиб, белгиланган даврда 24429 та хўжалик юритувчи субъектга 83 фоизга кўпайди. Саноатда ўртача ўсиш кузатилмоқда, 28229 та хўжалик юритувчи субъект (ўсиш 40%). Қурилиш тармоғида хўжалик юритувчи субъектлари сони ҳам ортиб

бормокда, аммо ўртача ўсиш суръатлари билан 10772 тани ташкил этди (ўсиш 30%). Савдо тармоғи 2020-2023 йиллар даврида сезиларли ўсишни кўрсатиб, 81836 та хўжалик юритувчи субъектга кўпайган бўлиб, ўсиш сураъти 81 фоизни ташкил этади. Ташиш ва сақлаш соҳасида 2023 йилда 20666 та хўжалик юритувчи субъектни ташкил этди (ўсиш 3,4%).



**4-расм. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар сони<sup>11</sup>**

Корхоналар сонининг йилдан йилга ўзгариши, уларнинг ҳаётий цикл босқичлари билан чамбарчас боғлиқ. Қуйида бу муносабатларни таҳлил қиламиз. Ташкил этиш босқичи бўйича 2021 йилда кичик бизнес субъектлари сони 22,83 фоизга, 2022 йилда 12,56 фоизга, 2023 йилда эса 13,12 фоизга ўсган. Бу иқтисодиётда янги бизнесларнинг кўпайиши, тадбиркорлик муҳитининг яхшиланиши билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳаларида катта ўсиш кузатилган, бу соҳаларга давлат томонидан ажратиладиган кредитлар ва бозор эҳтиёжлари ушбу соҳаларда янги корхоналарни кўпайтирмоқда. 2023 йилда 15,9 фоизли ахборот

<sup>11</sup> www.stat.uz маълумотлари асосида тайёрланган

технологиялари ва алоқа соҳасидаги ҳам ўсиш қайд этилган, бу рақамли технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ.<sup>12</sup>

2022-2023 йиллардаги ўсиш суръатларининг 12-13 фоиз даражасида бўлиши шундан далолат берадики, ўсиш босқичида корхоналар барқарор ўсишни бошлайди. Бу ҳолат барча соҳаларда кузатилган. Инфраструктура ривожланиши ва давлат томонидан саноат соҳасига берилган имтиёзлар саноат ва қурилиш соҳаларда корхоналар сонининг ортишига сабаб бўлган. Ташиш ва сақлаш соҳасидаги ўсиш эса электрон тижорат ривожланиши натижасида логистика тармоғи жадал ривожланиши билан кузатилмоқда.

Етуклик босқичида корхоналар сонининг 2023 йилдаги ўсиш суръати 2021 йилга қараганда секинлашган (22,83 фоиз → 13,12 фоиз). Бу шуни кўрсатадики, корхоналарнинг катта қисми етуклик босқичига кирган. Савдо ва қурилиш секторларда юқори ўсиш кузатилгани сабабли, келажакда бозорда рақобат кучайиб, йириклашиш жараёни содир бўлиши мумкин. Ахборот технологиялари ва ижтимоий хизматлар соҳасидаги корхоналар сони ўсиб, рақобат ортиши натижасида соҳа "етуклик" босқичига кирмоқда.

Тадқиқотда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришга ҳаёт цикли концепцияси асосида илмий ёндашув ишлаб чиқилди. Ушбу ёндашув корхонанинг фаолият босқичларига мос равишда молиявий эҳтиёжларни аниқлаш, манбаларни танлаш, фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва мутаносиб тақсимлаш имконини яратади. Молиявий таҳлил ва назоратнинг узвий интеграцияланган тизими орқали бошқарув самарадорлиги оширилади ва корхонанинг барқарор ривожланишига эришилади.

Диссертациянинг «**Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурсларни бошқаришда замонавий таҳлилий инструментлар тизими ва улардан фойдаланиш самарадорлиги**» номли иккинчи бобида хўжалик юритувчи субъектларда молиявий таҳлил орқали бошқарувни самарали ташкил этиш тизимининг мазмуни, хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларни бошқаришнинг замонавий аналитик инструментлари ва молиявий ресурсларни бошқаришда замонавий таҳлилий инструментлар ва кўрсаткичлардан фойдаланиш орқали методик таъминотни такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ қилинган.

Тадқиқотлар натижаси сифатида хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ресурсларини бошқариш муаммоларини ҳал қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ юзага келадиган ретроспектив вазиятни тўғри баҳолашга, шунингдек бошқарув қарорларини амалга оширишдан кутилаётган молиявий самарани баҳолаш натижаларининг тўғрилигига боғлиқ.

Бундай қўллаб-қувватлаш тизимдаги заиф бўғинларни излаш, тўсиқларни аниқлаш ва йўқолган молиявий имкониятларни ҳисоблаш билан

---

<sup>12</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

боғлиқ бўлган молиявий таҳлил муаммоларини ҳал қилиш орқали шаклланади. Молиявий таҳлил натижалари молиявий қарорни қабул қилиш даражасини аниқлаш имконини беради.

Шу муносабат билан, хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ресурсларини бошқаришни таъминлашнинг барча тизимлари орасида молиявий таҳлил тизими, яъни аналитик таъминот тизими муҳим ўрин тутди.

Тадқиқот натижаларига кўра, молиявий ресурсларни бошқаришни аналитик таъминлаш тизими – бу уларнинг ҳаракатини ретроспектив баҳолашга йўналтирилган ва молиявий бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот-аналитик маълумотлар ва аналитик жараёнлар тўпламидир.

Молиявий ресурсларни бошқаришни аналитик таъминлаш тизимининг ҳар бир жараёнини амалга оширишнинг услубий асосини ташкил этувчи инструментларнинг умумий тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

Хўжалик юритувчи субъектининг молиявий ресурсларини анъанавий талқинда таҳлил қилиш вазифалари:

1) молиявий ресурсларни жалб қилиш динамикаси, таркиби ва тузилишини ўрганиш ва баҳолаш;

2) молиявий ресурсларни тақсимлаш динамикаси, таркиби ва тузилишини ўрганиш ва баҳолаш;

3) молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги динамикасини ўрганиш ва баҳолаш;

4) молиявий барқарорлик даражаси динамикасини ўрганиш ва баҳолаш;

5) ликвидлик ва тўлов қобилияти динамикасини ўрганиш ва баҳолаш.

Ушбу вазифаларнинг умумий мазмуни 1-жадвалда келтирилган.

Молиявий ресурсларни бошқаришни самарали амалга оширишда аналитик таъминот тизими муҳим аҳамият касб этади. У субъектнинг молиявий ҳолатини баҳолаш, капиталнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда илмий асосланган воситалар мажмуасини ўз ичига олади. Бу жараёни аниқ ва мантиқий шаклда ташкил қилиш учун жорий молиявий ҳолатни баҳолаш, прогноз қилиш ва стратегик қарорлар қабул қилишда муҳим асос бўлади. 1-жадвалда келтирилган босқич, мақсад ва вазифалар амалдаги таҳлилни тизимли равишда ташкил қилиш учун зарур услубий асосдир. Унинг ҳар бир босқичи — аналитик таъминот тизимининг мантиқий қисмини ташкил этади ва молиявий бошқарувда тўғри қарор қабул қилиш учун замонавий молиявий таҳлил воситалари билан уйғунлашган.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришда таҳлилий жараёни самарали ташкил этиш учун анъанавий ва замонавий аналитик инструментлардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Ушбу

инструментлар – яъни айланувчанлик, рентабеллик, ликвидлик, капитал тузилмаси, тўлов қобилияти каби кўрсаткичлар жадвалда келтирилган таҳлил босқичларининг барчасини мазмунан тўлдиради ва амалий жиҳатдан таъминлаб беради.

## 1-жадвал

### Хўжалик юритувчи субъектининг молиявий ресурсларини таҳлил қилишнинг стандарт методологиясини амалга ошириш босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни<sup>13</sup>

Таҳлил босқичи	Мақсад	Вазифалар
1. Молиявий ресурслар манбаларини таҳлил қилиш	Молиявий ресурсларни шакллантириш тузилмасининг иқтисодий асосланган баҳосини шакллантириш, ҳисобот йилидаги ўзгаришларни аниқлаш	- Молиявий ресурслар умумий ҳажми ва унинг динамикасини таҳлил қилиш; - Молиявий ресурсларнинг асосий таркибий қисмлари (ўз ва жалб қилинган маблағлар; доимий капитал ва қисқа муддатли мажбуриятлар) контекстида уларнинг тузилиши ва динамикасини ўрганиш; - Ўз капитали манбалари ва фойдаланиш йўналишлари бўйича динамика ва таркибни баҳолаш; - Қарз капиталининг шаклланиш таркиби ва унинг ўзгариш тенденцияларини, жумладан кредиторлик қарзларини таҳлил қилиш
2. Молиявий ресурсларни тақсимлаш таҳлили	Молиявий ресурслар тақсимои тузилмасининг иқтисодий асосланган баҳосини шакллантириш, ҳисобот йилидаги тузилишдаги ўзгаришларни аниқлаш	- Активлар умумий баланс қийматининг динамикасини баҳолаш; - Асосий ва айланма маблағлар нисбатини ҳисобга олган ҳолда активлар тузилиши ва ўзгаришини таҳлил қилиш; - Мулк таркибий қисмларининг ҳар бири бўйича динамика ва тузилиш ўзгаришларини ўрганиш.
3. Молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш	Молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва динамикасини ҳисобот йилида олдинги йил билан таққослаб таҳлил қилиш.	- Тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичларининг динамикасини ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш; - Ушбу ўзгаришларга таъсир қилувчи асосий омилларнинг таъсирини ўрганиш; - Активлар ва капиталдан фойдаланиш интенсивлиги кўрсаткичларининг умумий молиявий барқарорлик ва фаолият самарадорлигига таъсирини баҳолаш

Диссертация ишининг «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқаришнинг методологик муаммолари», дея номланган учинчи бобида «Иссиқлик электр станциялари» АЖ молиявий барқарорлиги

<sup>13</sup>Жадвал умумлаштирилган маълумотлар таҳлили ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тайёрланган



ва ресурслар ҳолатининг комплекс таҳлили, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ мисолида молиявий ресурсларни бошқаришда аналитик дастаклардан фойдаланиш амалиёти, «Иссиқлик электр станциялари» АЖи молиявий ресурслар бошқарувининг иқтисодий самарадорлигини эконометрик баҳолаш амалга оширилган.

## 2-жадвал


### «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг якуний молиявий натижалари<sup>14</sup>, минг сўмда

Кўрсаткич номи	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023й.
Маҳсулотларни (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган тушум	1366604372,08	17975737514,00	1875286282,68	1955109425,90
Таннарх	11966213055,28	14293176678,00	16557456754,09	20357548526,80
Ялпи фойда	1699830816,80	3682560836,00	2195406228,59	-620321906,90
Давр харажатлари, жами шу жумладан:	926596881,76	1315363062,00	1356885542,95	1553155351,70
Маъмурий харажатлар	170783844,76	232111408,00	135 320448,44	248536141,00
Бошқа операцион харажатлар	751797790,00	10769950139,00	1215419956,50	1283234610,60
Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	585703 833,00	355740 447,00	176349750,19	4717487836,20
Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар)	1358937768,04	2722938221,00	1014870435,84	2357877983,60
Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, жами, шу жумладан:	1820250279,00	2561077318,00	4966582797,37	6520326880,40
Дивиденд даромади	16628916,00	321097952,00	590503,00	74950286,00
Молиявий фаолият харажатлари, шу жумладан	4815691169,00	1958008437,00	4791532236,43	9422746 947,10
Валюта фарқларидан зарарлар	4463545388,00	1527539 919,00	3816681991,53	8441993503,20
Умумий иқтисодий фаолиятдан олинган фойда (зарар)	-1636503121,96	3326007102,00	1189920996,78	-544542083,10
Солиқ тўлагунча фойда (зарар)	-1636503121,96	3326007102,00	1189920996,78	-544542083,10
Фойда солиғи	111855763,26	228691588,00	190879366,88	75238972,00
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарар)	-174835885,21	3097315514,00	999041629,90	-619781055,10

<sup>14</sup> Жадвал «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2020, 2021, 2022, 2023 йиллар учун молиявий ҳисоботи асосида тузилган.

Диссертация ишининг «Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқаришнинг методологик муаммолари» деб номланган учинчи бобида «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти фаолияти мисолида молиявий барқарорлик ва ресурслар ҳолатининг комплекс таҳлили олиб борилди. Бу бобда асосий эътибор молиявий ресурсларни бошқариш жараёнида аналитик ва ҳисоб-китоб воситаларидан фойдаланиш амалиётини ўрганиш ҳамда хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги иқтисодий натижаларни эконометрик баҳолашга қаратилди.

Таҳлил жараёнида 7-жадвалда келтирилган «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган тушуми 2020 йилда 1 366,6 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда у кескин ўсиб, 179 753,7 млрд сўмга етган. Аммо кейинги йилларда бу кўрсаткич пасайишга юз тутди ва 2023 йилда 1 955,1 млрд сўмни ташкил этди. Таннарх эса 2020–2023 йилларда мунтазам ўсиб борган, бу эса даромад структурасидаги фойда қисмининг кескин камайишига сабаб бўлган. 2020 йилда корхонада умумий иқтисодий фаолият натижаси 1636,5 млрд сўмлик зарар бўлган бўлса, 2021 йилда у 3326,0 млрд сўм фойдага айланган. Бироқ 2023 йилда яна 544,5 млрд сўм зарар кўрилган. Ҳисобот даврининг соф фойдаси ҳам 2023 йилда манфий бўлиб, 619,8 млрд сўмни ташкил этган. Бу эса корхонанинг умумий молиявий барқарорлиги паст даражада эканлигини кўрсатади.




**5-расм. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ жами активларининг ўзгариш динамикаси<sup>15</sup> (минг сўмда)**

2020 ва 2021 йиллар оралиғида жами активлар ҳажмида сезиларли ўзгариш кузатилмаган бўлиб, 2020 йилда 57,42 трлн сўмни, 2021 йилда эса 57,29 трлн сўмни ташкил этган. Бу эса корхона активлар таркибининг нисбатан барқарор ҳолда сақланганини кўрсатади.

<sup>15</sup> Расм «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2020, 2021, 2022, 2023 йиллар учун молиявий ҳисоботи асосида тузилган.

Бироқ 2022 йилда жами активлар 80,9 трлн сўмга етиб, 2021 йилга нисбатан 41,2 фоиз (23,6 трлн сўмга) ўсиш қайд этилган. Бу ўсиш, асосан, дебиторлик қарздорлиги ва актив инвестициялар ҳисобига юзага келганини тахмин қилиш мумкин. Айниқса, жорий активлар ҳажмининг ортиши ва молиявий ресурсларнинг қайта тақсимланиши бу жараёни белгилаб берган.

2023 йилда эса жами активлар 51,6 трлн сўмгача пасайган, яъни 2022 йилга нисбатан 36,3 фоиз камайган. Бу ҳолат активларнинг қисман реализация қилиниши, амортизация жараёнлари, инвестицияларнинг камайиши ёки балансдан чиқариб юборилган активлар ҳисобига изоҳланади. Шу билан бирга, бу пасайиш молиявий ресурсларнинг таркибий қайта тақсимланиши ҳамда стратегик фаолият моделининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин.



**6-расм. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ узоқ муддатли активларининг таркиби ва ўзгариш динамикаси<sup>16</sup> (минг сўмда)**

2020–2022 йилларда узоқ муддатли активлар ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2022 йилда 55,5 трлн сўмни ташкил этди. Бу ҳолат асосан асосий воситаларнинг қиймати ортиши ва инвестициялар туфайли юзага келган. Бироқ 2023 йилда уларнинг ҳажми кескин равишда 30,7 трлн сўмгача пасайди, яъни 2022 йилга нисбатан 44,7 фоизга камайди. Бу жараён асосий воситалар ва инвестиция активлари қайта баҳолангани ёки қисқартирилганини кўрсатади.

<sup>16</sup> Расм «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2020, 2021, 2022, 2023 йиллар учун молиявий ҳисоботи асосида тузилган.

## 3-жадвал


«Иссиқлик электр станциялари» АЖ жорий активларининг таркиби ва ўзгариш динамикаси <sup>17</sup>, минг сўмда

Кўрсаткич номи	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
<b>Жорий активлар</b>				
Товар-моддий заҳиралар, шу жумладан жами	1268864892,0	1496563886,73	2922332567,28	5493433 303,29
Ишлаб чиқариш заҳиралари	1226056234,0	1435322578,73	2826499 107,03	3209983 665,59
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	0,0	0,0	0,0	0,0
Тайёр маҳсулотлар	18481,0	56944,00	268621,45	0,00
Товарлар	42790177,0	61184364,00	95564838,80	2283449637,7
Дебиторлар	5253428062,83	8111136970,50	21048940 547,68	14169422305,4
Харидорлар ва мижозларнинг қарзлари	3574163534,00	7252703684,00	17026228403,42	205599436,0
Ходимларга берилган аванслар	96145,00	386716,00	1922339,21	1625034,00
Етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар	1028898981,0	290702535,0	1483814516,25	941538361,1
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича аванс тўловлари	43949125,83	137712869,50	259405827,45	593627316,20
Давлат мақсадли жамғармаларига ва суғуртага аванс тўловлари	242811,00	340849,00	483618,70	257422,00
Бошқа дебиторлик қарзлари	500691260,00	262532037,00	76836741,78	149051708,70
Нақд пул, жами, шу жумладан:	3604,00	354,00	8512,00	0,00
Ҳисоб-китоб бўйича нақд пул	16196425,00	8125739,00	6544895,50	52279472,80
Пулли маблағлар ва эквивалентлар	191809510,00	117461804,00	486247313,37	189260507,20
<b>Жорий активлар жами</b>	<b>6869258268,83</b>	<b>10282581671,02</b>	<b>25451263924,93</b>	<b>20908969452,2</b>

«Иссиқлик электр станциялари» АЖда жорий активларнинг йиллар кесимидаги ҳажми ва таркибий ўзгаришлари 2020–2023 йиллар давридаги

<sup>17</sup> Жадвал «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2020, 2021, 2022, 2023 йиллар учун молиявий ҳисоботи асосида тузилган.

таҳлилга асосан 2020 йилда жорий активлар 6,87 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич уч баробаргача ўсиб, 25,45 трлн сўмга етган. Бу айниқса, дебиторлик қарздорлиги ва товар-моддий заҳираларнинг кескин кўпайиши орқали амалга ошган. 2023 йилда эса жорий активлар миқдори 4,5 трлн сўмга (17,9%) пасайган. Жорий активлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, «Иссиқлик электр станциялари» АЖда айланма маблағлар структурасида дебиторлик қарздорлиги ва товар-моддий заҳиралар ҳукмрон. Ушбу ҳолат, бир томондан, ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайганлигини ва бозордаги фаол иштирокни кўрсатса, иккинчи томондан, пул оқимларини тезкор бошқариш, дебиторлик қарзларнинг тўлов муддатларини оптималлаштириш ва ҳисоб-китоб тизимларини такомиллаштириш зарурлигини ҳам тақозо этади.



**7-расм. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ хусусий маблағларнинг таркиби ва ўзгариш динамикаси<sup>18</sup>**

2020–2023 йилларда «Иссиқлик электр станциялари» АЖда хусусий маблағлар манбаларида жиддий ўзгаришлар кузатилди. Айниқса, устав капитали, тақсимланмаган фойда ва резерв капиталининг мутаносиблиги компаниянинг молиявий барқарорлигига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатган. 2022 йилда устав капиталидаги кескин пасайиш ташкилий тузилмадаги ўзгаришлар ёки қайта молиялаштириш жараёнлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. 2023 йилда эса унинг тўлиқ тиклангани капитал барқарорлигининг

<sup>18</sup> Расм «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2020, 2021, 2022, 2023 йиллар учун молиявий ҳисоботи асосида тузилган.

қайта таъминланганини кўрсатади. Таксимланмаган фойда динамикаси молиявий натижаларнинг юқори даражада ўзгарувчанлигини кўрсатади. Бундай ҳолат корпоратив молиявий сиёсатда хавфсизлик захираларининг етарли эмаслигидан далолат беради.

#### 4-жадвал

##### «Иссиқлик электр станциялари» АЖ пасивлар таркиби<sup>19</sup>

Кўрсаткич номи	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Жорий мажбуриятлар, жами	3180379135,6	3506143836,0	17285712563,0	10406532384,6
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари	2694750291,6	299844455,0	14168749133,2	7009490374,6
Етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзлар	1895352511,40	1 94144765,0	5351688470,2	5230914878,0
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз	104630626,0	165400069,00	6198758879,5	388099205,10
Қабул қилинган аванслар	54702032,00	31172678,00	72959267,47	100731136,00
Бюджетга тўловларда қарз	118632740,60	239742318,00	137626684,84	92638470,80
Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар	10321977,00	16787340,00	18093892,20	22681944,90
Таъсисчиларга қарз	2266635,00	264040017,00	1190528573,6	133715286,50
Иш ҳақи бўйича қарзлар	29 198 700,00	50994329,00	102144179,65	60114625,90
Қисқа муддатли банк кредитлари	8452381,00	50000000,00	567542861,64	420356169,0
Қисқа муддатли қарзлар	206757047,00	437313808,00	1339288924,6	858778075,0
Бошқа кредиторлик қарзлар	479645069,60	289163239,00	1096949185,7	981251227,4
<b>Жорий мажбуриятлар жами</b>	<b>35335437535,6</b>	<b>36467756068,0</b>	<b>72513384 147,3</b>	<b>35847785 137,7</b>
<b>Баланс пасиви бўйича жами</b>	<b>57420099254,8</b>	<b>57294817445,0</b>	<b>80904553506,6</b>	<b>51575492253,3</b>

Юқорида келтирилган жадвал асосида «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2020–2021 йилларда жорий мажбуриятлари жадал ўсмаган бўлса-да, 2022 йилда улар кескин равишда 17,3 трлн сўмгача ошган. Бу ўсиш, асосан, жорий кредиторлик қарзлари (14,1 трлн сўм) ҳисобига амалга ошган. 2023 йилда жорий мажбуриятлар ҳажми 10,4 трлн сўмга тушган бўлиб, бу корхона мажбуриятларини қисқартиришга ҳаракат қилаётганини кўрсатади. Жорий мажбуриятлар таркибининг динамикаси шундан далолат берадики, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ молиявий мажбуриятларни муддатли ва мақсадли бошқаришда бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, 2022 йилдаги юқори қарз миқдори ва 2023 йилдаги нисбий пасайиш қарзларни қайта ташкил этиш ва тўлов қобилиятини яхшилаш бўйича чоралар кўрилганидан далолат беради.

Шунингдек, молиявий фаолиятдан келиб чиққан фойда ва зарарлар

<sup>19</sup> Жадвал «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2020, 2021, 2022 йиллар учун молиявий ҳисоботи асосида тузилган.

таҳлилида, хусусан валюта фарқларидан келиб чиққан йўқотишларни минималлаштириш бўйича стратегик ёндашувнинг самараси сезиларли даражада намоён бўлган. Бу таҳлиллар асосида диссертацияда молиявий ресурсларни бошқаришнинг реал амалиётини иқтисодий, таҳлилий ва статистик усуллар ёрдамида баҳолаш имкони яратилди.

## 5-жадвал

### «Иссиқлик электр станциялари» АЖ самарадорлик ва молиявий дастак коэффицентлари<sup>20</sup>

Коэффициентлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
<b>Самарадорлик коэффицентлари</b>				
Дебиторлик қарздолик муддати	466,5	268,3	456,4	346,0
Кредиторлик қарздорлик муддати	578,6	297,2	2 355,6	-4 124,4
Захираларни сақлаш муддати	38,7	38,2	64,4	98,5
Пулларнинг операцион цикли	1 006,44	527,28	2 747,64	-3 876,9
<b>Молиявий дастак коэффицентлари</b>				
Молиявий дастак	0,93%	2,06%	13,76%	5,18%
Молиявий харажатларни қоплаш коэффицентлари	28,22%	139,07%	21,18%	25,02%

2020–2023 йиллар давомида «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги, захиралар сақлаш муддати ҳамда пул оқимининг операцион циклида кескин ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, дебиторлик қарздорлик муддати 268,3 кундан (2021 й.) 456,4 кунгача (2022 й.) ўсгани, кредиторлик қарздорлик муддати эса 2022 йилда 2355,6 кунгача кўтарилиб, 2023 йилда салбий қийматга тушгани молиявий интизом муаммоларини кўрсатади. Захираларни сақлаш муддатининг ортиши (2020 йилда 38,7 кундан 2023 йилда 98,5 кунгача) ҳам айланма маблағларнинг самарасиз фойдаланилаётганини англатади. Пул оқимининг операцион циклидаги кескин тебранишлар (2022 й. – 2747,6 кун, 2023 й. – манфий қиймат) корхонада пул оқимлари ҳаракатида жиддий дисбаланс мавжудлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, молиявий дастак коэффицентининг 2022 йилда юқори даражада (13,76%) бўлиши корхона фаолиятида қарз ресурсларининг фойда келтириш имкониятидан фойдаланилганини, кейинги йилда эса бу ҳолат сусайганини кўрсатади. Молиявий харажатларни қоплаш коэффицентининг пасайиши (2021 й. – 139,07%, 2022 й. – 21,18%) корхонанинг молиявий барқарорлигида заифликлар мавжудлигини англатади.

Диссертацияда илгари сурилган илмий янгиликдан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришни баҳолаш учун функционал молиявий ресурслар айланувчанлиги 1 дан юқори, рентабеллик эса 100 фоиздан юқори бўлиши кераклиги асосланган. Шу асосда «Иссиқлик электр станциялари» АЖда молиявий таҳлилнинг қўшимча кўрсаткичлари аниқланди. Бу молиявий фаолиятда фойдаланилаётган активларнинг айланувчанлиги, капиталга айлантирилган ресурслар ва уларнинг

<sup>20</sup> Жадвал «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2020, 2021, 2022 йиллар учун молиявий ҳисоботи асосида тузилган.



рентабеллик даражасини чуқур таҳлил қилиш имконини яратади.

**6-жадвал**

**«Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг молиявий ресурсларини  
бошқаришнинг аналитик таъминлашнинг қўшимча молиявий  
кўрсаткичлари<sup>21</sup>**

<b>Қўшимча кўрсаткичлар</b>	<b>2020 й.</b>	<b>2021 й.</b>	<b>2022 й.</b>	<b>2023 й.</b>
Молиявий ресурслар ёки активлардан иқтисодий фойда қайтарими.	- 0,061	0,036	0,025	-0,024
Асосий фаолиятда фойдаланилаётган активларнинг айланувчанлик даражаси.	0,047	0,032	0,009	0,026
Бошқа (носоҳавий) фаолиятга жалб қилинган активлар айланувчанлиги.	0,028	0,031	0,002	0,014
Асосий фаолиятда иштирок этаётган активларнинг рентабеллиги.	4,733	3,166	0,926	2,562
Бошқа фаолиятда фойдаланилаётган активлар рентабеллиги.	2,861	3,127	0,243	1,416
Даромад келтирадиган молиявий ресурсларнинг айланувчанлиги.	0,063	0,030	0,045	0,071
Капиталлашган молиявий ресурслар айланувчанлиги.	0,619	0,863	2,235	1,243
Функционал (фаол) молиявий ресурслар айланувчанлиги.	1,989	1,748	0,737	0,935
Нофункционал (фаолиятда иштирок этмаётган) молиявий ресурслар айланувчанлиги.	-	-	-	-
Ижарага берилган асосий воситалардан қайтарим.	-	-	-	-
Капиталга айлантирилган молиявий ресурслар рентабеллиги.	61,880	86,310	223,483	124,310
Ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этаётган молиявий ресурсларнинг рентабеллиги.	198,945	174,817	73,681	93,506

Функционал молиявий ресурслар айланувчанлиги 2020 ва 2021 йилларда мутаносиб равишда 1,989 ва 1,748 ни ташкил қилиб, белгиланган нормадан юқори бўлган. Бу корхонанинг айни пайтда фаолиятга жалб қилинган ресурслардан самарали фойдаланганини кўрсатади. Бироқ 2022–2023 йилларда бу кўрсаткич 1 дан паст бўлиб, айланувчанликнинг пасайганини ва молиявий ресурслардан фойдаланишда самарадорлик камайганини билдирмоқда. Капиталга айлантирилган молиявий ресурслар рентабеллиги

<sup>21</sup> Жадвал «Иссиқлик электр станциялари» АЖнинг 2020, 2021, 2022.,2023 йиллар учун молиявий ҳисоботи асосида тузилган.



ҳар тўрт йилда ҳам юқори бўлиб, 2022 йилда 223,5 фоиз, 2023 йилда эса 124,3 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткич капиталлашган маблағлар орқали юқори фойда олинаётганини акс эттиради. Ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этаётган молиявий ресурслар рентабеллиги ҳам таҳлил даврида юқори бўлиб, 2020 йили — 198,9 фоиз, 2023 йилда — 93,5 фоизни ташкил этди. Бу хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолият соҳасида даромадли иш олиб борганини англатади. Даромад келтирадиган молиявий ресурслар айланувчанлиги 2023 йилда 0,071 га тенг бўлиб, олдинги йилларга нисбатан ўсиш қайд этилган, яъни ресурслар қайтаримига нисбатан ижобий динамика мавжуд. Асосий фаолиятда фойдаланилаётган активларнинг рентабеллиги бўйича энг юқори кўрсаткич 2020 йилда — 4,73, энг пастси эса 2022 йилда — 0,93 ни ташкил қилган. Бу фаолиятдаги фойдаланишда фаол рентабелликнинг йиллар кесимида турлича кўринишини акс эттиради.

Таклиф этилган мезонлар корхонанинг фаол ва нофаол молиявий ресурсларини ажратиб баҳолаш, ички захиралардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ноқонуний тўхтаб қолган активларни аниқлаш ва уларни фаол фойдаланишга йўналтириш каби вазифаларни самарали ҳал этиш имконини беради. Шу орқали таҳлил жараёнида стратегик молиявий қарорларни асослашга хизмат қилувчи методологик асос яратилади.

**7-жадвал**

**«Иссиқлик электр станциялари» АЖ соф фойда бўйича сотиш рентабеллиги ва активларнинг айланувчанлик коэффицентининг соф фойда бўйича активлар рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар таҳлили<sup>22</sup>**

Йиллар	Соф фойда бўйича активлар рентабеллиги, фоизда, Y	Соф фойда бўйича сотиш рентабеллиги, фоизда, X1	Активларнинг айланувчанлик коэффиценти, X2
2010	0,80	5,78	0,13
2011	0,82	3,73	0,21
2012	1,70	5,06	0,33
2013	2,40	5,58	0,43
2014	3,10	5,94	0,52
2015	4,98	6,49	0,76
2016	5,07	8,69	0,58
2017	6,14	9,88	0,62
2018	7,55	11,05	0,68
2019	6,41	18,53	0,34
2020	-3,04	-12,79	0,23
2021	5,40	17,23	0,31
2022	1,23	5,32	0,23
2023	-1,20	-3,17	0,37

<sup>22</sup> Муаллиф томонидан аниқланди.

Шунингдек, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ маълумотлари асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган аналитик кўрсаткичлар тизими асосида молиявий ресурсларни бошқаришнинг самарадорлиги ва барқарорлигини баҳоловчи эконометрик модел ишлаб чиқилди. Бу модел корхонанинг фойдаси, ликвидлик ва рентабеллик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг келгуси йиллар учун прогноз қийматларини баҳолаш имконини берди.

Y- соф фойда бўйича активлар рентабеллиги, фоизда;

X<sub>1</sub>- соф фойда бўйича сотиш рентабеллиги, фоизда;

X<sub>2</sub>-активларнинг айланувчанлик коэффиценти.

Бу омиллар қуйидаги маълумотларидан фойдаланиб, кўп омилли регрессия таҳлилини амалга оширамиз.

Кўп омилли моделда корреляция коэффиценти юқори: R=0,95. Демак натижавий омил ва таъсир қилувчи омиллар орасидаги боғланиш даражаси юқори. Бундан детерминация коэффиценти  $D = R^2 = 0,95$ . Бундан келиб чиқадики, Y-соф фойда бўйича активлар рентабеллигига юқоридаги омилларнинг таъсири 95 фоиз ташкил қилар экан. Қолган 5 фоиз бу ерда ҳисобга олинмаган омиллардан иборат, бўлиб маржинал омиллар деб қарашимиз мумкин.

#### 8-жадвал

#### Соф фойда бўйича активлар рентабеллиги ўзгаришининг 2028 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари<sup>23</sup>

Йиллар	Соф фойда бўйича активлар рентабеллиги, фоизда, Y	Соф фойда бўйича сотиш рентабеллиги, фоизда, X1	Активларнинг айланувчанлик коэффиценти, X2
2010	0,80	5,78	0,13
2011	0,82	3,73	0,21
2012	1,70	5,06	0,33
2013	2,40	5,58	0,43
2014	3,10	5,94	0,52
2015	4,98	6,49	0,76
2016	5,07	8,69	0,58
2017	6,14	9,88	0,62
2018	7,55	11,05	0,68
2019	6,41	18,53	0,34
2020	-3,04	-12,79	0,23
2021	5,40	17,23	0,31
2022	1,23	5,32	0,23
2023	-1,20	-3,17	0,37
2024	2,49	5,25	0,371
2025	2,5	5,17	0,372
2026	2,51	5,09	0,374
2027	2,52	5,01	0,375
2028	2,53	4,92	0,377

<sup>23</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

Шунингдек, мазкур регрессия модели асосида 2024–2028 йиллар учун прогноз қийматлари ҳисоблаб чиқилди. Таҳлил натижалари активлар рентабеллигида 2020–2023 йилларда кузатилган кескин ўзгаришлар, хусусан, 2020 ва 2023 йиллардаги пасайиш ҳолатларини иқтисодий изоҳлаш имконини берди. Ушбу иқтисодий ҳолат соф фойда камайиши, сотиш даромадлари билан боғлиқ рентабелликнинг пастлиги ҳамда активлардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайгани билан изоҳланади.

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ соф фойда бўйича активлар рентабеллиги 2020-2023 йиллардаги беқарорлигидан сўнг, 2024-2028 йилларда барқарор тикланиш прогноз қилинмоқда. 2028 йилга бориб рентабеллик 2,53 фоиз даражасига чиқиши кутилмоқда, бу эса 2023 йилга нисбатан сезиларли ўсишни кўрсатади. Активлар рентабеллигига таъсир этувчи асосий омиллар —соф фойда бўйича сотиш рентабеллиги ва активлар айланувчанлик даражаси бўлиб, улар ўртасидаги боғлиқликни кўп омилли регрессия модели асосида баҳолаш имкони берилди. Тадқиқот натижасида аниқланишича, активлар рентабеллиги кўп ҳолларда мазкур икки омил таъсири остида шаклланимоқда (корреляция коэффиценти  $R=0,95$ ).

2024–2028 йиллар учун прогноз қийматлари шундан далолат берадики, таҳлил қилинган корхонада соф фойда бўйича рентабеллик маълум барқарорликка эришиши кутилмоқда. Бу эса молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини прогнозлаш ва стратегик қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ёндашувнинг услубий аҳамияти шундаки, у мултифактор таҳлил, регрессия модели ва динамик кўрсаткичлар асосида рентабелликни узоқ муддатли баҳолаш имконини яратади. Амалий жиҳатдан эса, корхоналар учун самарали активлар сиёсатини шакллантиришда, хусусан капитал жозибadorлиги, фаолият самарадорлиги ва инвестиция стратегияларини қайта кўриб чиқишда ишончли манба бўлади.

Диссертациянинг яқунловчи **«Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари»** деб номланган тўртинчи бобида хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари, рақамли молия ресурсларини бошқариш стратегиялари: трендлар ва истикболлар, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштиришнинг истикболли йўналишлари тадқиқ қилинган.

8-расм маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги кўрсаткичлари йилдан йилга барқарор ўсиб бораётгани кузатилади. Хусусан, дебиторлик қарздорлиги 2020 йилда 108,5 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 305,8 трлн сўмга етган. Бу 5 йил ичида қарийб 2,8 баробар ўсишни англатади. Бу ҳолат дебиторлар билан ҳисоб-китобларнинг кечикиши ёки

реализация шартларининг анча кенгайганини кўрсатади. Кредиторлик қарздорлиги ҳам худди шундай ўсиш тенденциясини намоён этади. 2020 йилда 121,9 трлн сўмни ташкил этган бу кўрсаткич 2024 йилда 323,2 трлн сўмга етган. Бу эса 2,6 баробар ўсишни билдириб, корхона ташқи мажбуриятларини кенгайтирганини англатади.



**8-расм. Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг ўзгариш динамикаси<sup>24</sup>**

Дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ўртасидаги мувозанат ҳолатини таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади. 2020–2022 йилларда кредиторлик қарздорлиги дебиторликдан юқори бўлган бўлса-да, 2023 йилдан бошлаб дебиторлик қарздорлиги кредиторликка яқинлашмоқда, бу эса молиявий ликвидликнинг пасайиши хавфини англатади.

Тадқиқот жараёнида хўжалик юритувчи субъектларда дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги динамикаси, таркиби ва бошқарув жараёнлари чуқур таҳлил қилиниб, уларни самарали бошқаришни таъминловчи янги илмий ёндашувлар ишлаб чиқилди.

2020–2024 йиллар учун дебиторлик қарздорлиги 2,8 баробарга ошган бўлиб, бу ҳисоб-китобларнинг кечикиши ва дебиторлар билан муносабатлардаги муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шуни инобатга олиб, дебиторларни А, В, С гуруҳларга ажратиш асосида муҳим қарздорлар билан индивидуал назорат стратегиясини шакллантириш таклиф этилди: А гуруҳ (80% ва ундан юқори улуш) – стратегик мижозлар бўлиб, улар билан шартномавий тартибдаги ҳисоб-китоблар устидан доимий мониторинг юритиш керак, В гуруҳ (тахминан 15%) – ўртача хажмдаги қарздорлар бўлиб, уларни таҳлил қилиш орқали узоқ муддатли ҳамкорлик стратегиялари ишлаб чиқилиши лозим ва С

<sup>24</sup> <https://stat.uz/ru/press-relizy/50246-2024-god>

гурух (тахминан 5%) – майда қарздорлар, уларга стандарт йиғим механизмлари жорий этиш мақсадга мувофиқ.

АВС таҳлили — ресурсларни тўғри тақсимлаш ва хатарларни камайтириш бўйича тан олинган молиявий ресурсларни бошқариш усулидир. У дебиторларнинг хатар даражасини сегментлаш орқали молиявий барқарорликни ошириш имконини беради. Дебиторлик қарздорлигини қисқа муддатда йиғиш, айланма маблағларнинг «қотиб» қолишини олдини олиш ва ликвидликни таъминлашга хизмат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредиторлик қарздорлигини самарали бошқаришда мақсадли маблағлар оқимида аванс тўловлари тизимидан воз кечиш таклифи молиявий оқимларнинг шаффофлиги ва айланма капиталнинг фаоллашувига хизмат қилади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2024 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларининг умумий кредиторлик қарздорлигининг асосий қисмини — 54,7 фоизини — етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги мажбуриятлар ташкил этган. Шу билан бирга, олинган аванслар умумий кредиторлик қарздорлигининг 17,8 фоизини ташкил этиб, молиявий ҳисоб-китобларда номутаносиблик ва айланма маблағлар қийинчиликларини келтириб чиқармоқда.

Аванс асосидаги тижорат муносабатлари, айниқса, йирик ишлаб чиқариш субъектлари учун ликвидликни пасайтирувчи ва кредиторлик босимини оширувчи омиллардан бири ҳисобланади. Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, аванс тўловларидан воз кечиш ва ҳисоб-китобларни реализация (ишлаб чиқарилган товар/хизмат етказилганидан сўнг) асосида амалга ошириш молиявий интизомни мустаҳкамлаш, маблағлар ҳаракатини қонуний ва самарали ташкил этиш, ҳамда айланма капитални фаоллаштириш имконини беради.

Бу усулни амалий жорий этиш имкониятлари «Иссиқлик электр станциялари» АЖ мисолида кўрсатиб берилган. Хусусан, ушбу хўжалик юритувчи субъектда 2024–2026 йилларга мўлжалланган бизнес режа доирасида дебитор маблағлар ҳисобидан 74,2 фоиз кредиторлик қарзини сўндириш режалаштирилган. Бу эса, корхонанинг авансиз тўлов тизими асосида молиявий барқарорлик ва капитал айланишини таъминлашда стратегик ёндашув сифатида хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ресурсларини бошқариш методологиясини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқот ишини амалга ошириш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини бошқариш мураккаб ва динамик жараён бўлиб, у субъектнинг фаолият давридаги ҳар бир босқичнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва молиявий

талабларига мос равишда ташкил этилиши талаб қилинади. Бугунги кунда жаҳон амалиётида фаолиятни ҳаёт цикли босқичларига (келиб чиқиш, ўсиш, етуклик, қариш) бўлиб таҳлил қилиш – стратегик молиявий бошқарувнинг муҳим методологик асосларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

2. Хўжалик юритувчи субъектлар сонининг йилдан йилга ўзгариши, уларнинг ҳаётий цикл босқичлари билан чамбарчас боғлиқ. Ташкил этиш босқичи бўйича 2021 йилда кичик бизнес субъектлари сони 22,83 фоизга, 2022 йилда 12,56 фоизга, 2023 йилда эса 13,12 фоизга ўсган. Бу иктисодиётда янги бизнесларнинг кўпайиши, тадбиркорлик муҳитининг яхшиланиши билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳаларида катта ўсиш кузатилган, бу соҳаларга давлат томонидан ажратиладиган кредитлар ва бозор эҳтиёжлари ушбу соҳаларда янги корхоналарни кўпайтирмоқда. 2023 йилда 15,9 фоизли ахборот технологиялари ва алоқа соҳасидаги ҳам ўсиш қайд этилган, бу рақамли технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ.

3. Диссертацияда таклиф этилган янги илмий ёндашув – бу молиявий ресурсларни бошқариш концепциясига ҳаёт цикли тамойилини интеграция қилиш орқали ҳар бир босқичда оптимал молиявий ресурслар ҳажмини аниқлаш, фаол ва нофаол молиявий активлар айланувчанлигини баҳолаш, таҳлил ва молиявий назоратни ҳар босқичда мақсадли йўналтиришни қайта кўриб чиқишни назарда тутди.

4. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаришни баҳолаш учун функционал молиявий ресурслар айланувчанлиги 1 дан юқори, рентабеллик эса 100 фоиздан юқори бўлиши кераклиги асосланган. Шу асосда «Иссиқлик электр станциялари» АЖДа молиявий таҳлилнинг кўшимча кўрсаткичлари аниқланди. Бу молиявий фаолиятда фойдаланилаётган активларнинг айланувчанлиги, капиталга айлантирилган ресурслар ва уларнинг рентабеллик даражасини чуқур таҳлил қилиш имконини яратади. Функционал (фаол) молиявий ресурслар айланувчанлиги 2020 ва 2021 йилларда мутаносиб равишда 1,989 ва 1,748 ни ташкил қилиб, белгиланган нормадан юқори бўлган. Бу корхонанинг айна пайтда фаолиятга жалб қилинган ресурслардан самарали фойдаланганини кўрсатади. Бироқ 2022–2023 йилларда бу кўрсаткич 1 дан паст бўлиб, айланувчанликнинг пасайганини ва молиявий ресурслардан фойдаланишда самарадорлик камайганини билдирмоқда. Таклиф этилган мезонлар корхонанинг фаол ва нофаол молиявий ресурсларини ажратиб баҳолаш, ички захиралардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ноқонуний тўхтаб қолган активларни аниқлаш ва уларни фаол фойдаланишга йўналтириш каби вазифаларни самарали ҳал этиш имконини беради. Шу орқали таҳлил жараёнида стратегик молиявий қарорларни асослашга хизмат қилувчи методологик асос яратилади.

5. Таҳлил натижаларига кўра, «Иссиқлик электр станциялари» АЖДа 2020–2022 йиллар давомида жорий активлар миқдори 6,87 трлн сўмдан

25,45 трлн сўмгача, яъни қарийб 3 баробарга ўсгани қайд этилган. Бу ўсиш, асосан, дебиторлик қарздорлиги (5,25 трлн сўмдан 21,05 трлн.сўмгача) ва товар-моддий захиралар ҳисобига амалга ошган. 2023 йилда дебиторлик қарздорлиги 14,17 трлн сўмгача қисқарган бўлса-да, айланма маблағлар ҳажми ҳануз дебиторларда "қотиб" қолмоқда, бу эса корхонанинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигига таҳдид солади. Бундай вазиятда, дебиторлик қарздорлигини назорат қилишни инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштириш зарурати юзага келади. Шу мақсадда диссертацияда ABC таҳлил усули асосида дебиторлар сегментацияси ва назоратини ташкил этиш таклиф этилди, бунда А гуруҳ — дебиторлик қарздорлигининг 80 фоизидан ортиқ улушини ташкил этувчи асосий мижозлар. Улар бўйича индивидуал шартлар, тўлов муддатларини назорат қилиш ва автоматлаштирилган мониторинг механизмлари жорий этилади, В гуруҳ — ўртача миқдордаги дебиторлар, қарийб 15 фоиз улушга эга. Улар учун стандарт тижорат шартлари ва тўлов интизоми бўйича баҳолаш мезонлари қўлланилади, С гуруҳ — 5 фоизгача мижозлар, кам ҳажмдаги, лекин кўп сонли дебиторлар.

6. «Иссиқлик электр станциялари» АЖда дебиторлик қарздорлиги 2020–2023 йилларда 4 баробарга яқин ўсиши айланма маблағларнинг самарасиз фойдаланилаётганини кўрсатди. Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида тадқиқот доирасида дебиторларни ABC гуруҳларга ажратиш асосида назорат механизмларини жорий этиш таклиф этилди. Ушбу ёндашув дебиторликни бошқаришда стратегик қарорларни қабул қилиш, айланма маблағлар ҳаракатини оптималлаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлашда илмий ва амалий жиҳатдан самарали ечим ҳисобланади.

7. Таҳлиллардан маълум бўлишича, Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари кредиторлик қарздорлигининг асосий қисмини (54,7%) етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган мажбуриятлар ташкил қилмоқда. Шу билан бирга, олинган аванслар 17,8%ни ташкил қилиб, тўловлардаги номутаносиблик ҳолатларини юзага келтирмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларда кредиторлик қарздорлигини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида аванс тўловларидан воз кечиш ва ҳисоб-китобларни реализация асосида амалга ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ишлаб чиқилди. Ушбу ёндашув, айниқса, йирик корхоналарда молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ликвидликни таъминлаш ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда юқори амалий самара бериши мумкин. Бунда дебитор маблағларнинг қайта жалб қилиниши орқали кредиторлик босимини камайитириш имкони юзага келади. Шу тариқа, кредиторлик муносабатларини мақсадли бошқариш молиявий барқарорликнинг стратегик омили сифатида асослаб берилди.

8.Хўжалик юритувчи субъект активларининг рентабеллигига таъсир этувчи омилларни (соф фойда бўйича сотиш рентабеллиги ва активлар айланувчанлиги) регрессия модели асосида таҳлил қилиш натижасида 2028 йилгача бўлган миқдорий молиявий кўрсаткичларнинг прогнози ишлаб чиқилди. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ мисолида активлар рентабеллигида 2024–2028 йилларда барқарор тикланиш тенденцияси аниқланди. Ушбу таҳлил натижалари молиявий қарорлар қабул қилиш ва инвестиция фаолиятини самарали бошқаришда муҳим амалий ва илмий аҳамият касб этади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2019.I.17.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ЖИЯНОВА НАРГИЗА ЭСАНБОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ УПРАВЛЕНИЯ  
ФИНАНСОВЫМИ РЕСУРСАМИ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ**

**08.00.07 - Финансы, денежное обращение и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)**

**город Ташкент –2025 год**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук (Doctor of Science) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии под номером B2023.2.DSc/Iqt485.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском) на веб-сайте Научного совета ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) и на информационно-образовательном портале "Ziynet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:** Карлибаева Рая Хаджибаевна  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Жумаев Нодир Хосиятович  
доктор экономических наук, профессор  
Элмирзаев Самариддин Эшкуватович  
доктор экономических наук, профессор  
Ашурова Насиба Батировна  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** Самаркандский институт экономики и сервиса


Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.I.17.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете "13" 06 2025 г. в 14.00. Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, дом 60-А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирована под номером 168). (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 60-А, тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)).


Автореферат диссертации разослан «29» 05 2025 года.

Реестр протокола рассылки № 40 от «29» 05 2025 г.



  
**Т.З. Тешабоев**  
Председатель Научного совета,  
доктор экономических наук,  
профессор

  
**Ж.Х. Атаниязов**  
Ученый секретарь Научного совета,  
доктор экономических наук,  
профессор

  
**И.Н. Кузиев**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете, доктор  
экономических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В быстро меняющихся условиях мировой экономики все более актуальным становится квалифицированное управление финансовыми ресурсами хозяйствующих субъектов. При отсутствии систематической и полной достоверной информации об имеющихся финансовых ресурсах хозяйствующие субъекты могут потерять до 20% своих активов. Общая сумма дебиторской задолженности хозяйствующих субъектов по итогам 2023 года составила 271501,7 млрд. сумов, в том числе просроченная дебиторская задолженность составила 15516,2 млрд. сумов, что в 2,3 раза больше, чем в 2022 году, или 5,7% от общего показателя. Общая сумма кредиторской задолженности по итогам 2023 года составила 296541,4 млрд сумов, просроченная кредиторская задолженность увеличилась в 1,2 раза по сравнению с 2022 годом и составила 8587,6 млрд сумов. Хозяйствующие субъекты с различными организационно-правовыми формами имеют проблемы с доступом к финансовым ресурсам, включая их управление, то есть низкий уровень обеспеченности собственными оборотными средствами, недостаточную платежеспособность и деловую активность и т.д. В условиях усложнения процессов получения долгосрочных кредитов из внешних источников для развития производства проблема повышения внутреннего финансового потенциала становится все более острой. У хозяйствующих субъектов, которые не оптимизируют структуру капитала, не отслеживают денежные потоки, расчеты с дебиторами, кредиторами и государством, не организуют хозяйственный учет расходов, не анализируют текущую, финансовую и инвестиционную деятельность, не составляют детальные финансовые прогнозы и бюджеты, возникают риски недоступности дешевых и доступных источников внешнего финансирования.

Управление финансовыми ресурсами хозяйствующих субъектов в мировой практике приобретает все большее значение в условиях постоянного роста глобальной неопределенности. Согласно последним прогнозам Международного валютного фонда, в 2024 году ожидается рост мирового ВВП примерно на 3,0-3,2%<sup>1</sup>. В то же время ведущие экономики, такие как США, Китай и страны Европейского Союза, сталкиваются с рядом различных тенденций, включая умеренный рост в сфере услуг и высокотехнологичных отраслях, замедление промышленного производства, сохраняющуюся нестабильность на сырьевых рынках и высокие процентные ставки, которые затрудняют доступ к финансированию в ряде стран. Кроме того, по данным Всемирного банка, около 20% малых и средних предприятий ежегодно прекращают свою деятельность из-за неправильного финансового управления.<sup>2</sup> Возрастает объем задолженности хозяйствующих субъектов в мире, что повышает необходимость управления финансовой устойчивостью.

---

<sup>1</sup> International Monetary Fund (2023). World Economic Outlook Update, October 2023. Washington, DC: IMF. <https://www.imf.org/en/Publications/WEO>

<sup>2</sup> The World Bank (2023). *Global Economic Prospects*, June 2023. Washington, DC: World Bank, <https://www.worldbank.org/en/publication/global-economic-prospects>.

В отчете Международного валютного фонда (МВФ) за 2023 год отмечается, что глобальная задолженность компаний превысила 90 процентов от валового внутреннего продукта (ВВП), а эффективное управление финансовыми ресурсами увеличит экспортный потенциал компаний на 25 процентов. Эти аспекты еще больше усиливают важность совершенствования управления финансовыми ресурсами хозяйствующих субъектов в современной экономике.

В современных условиях развития экономики Узбекистана при внедрении современных методов управления финансовыми ресурсами хозяйствующих субъектов необходимо более глубоко изучить особенности финансово-хозяйственной деятельности, разработать меры по снижению кредиторской и дебиторской задолженности на основе ускорения оборота оборотных средств как важных аспектов улучшения финансового состояния. В стратегии "Узбекистан-2030"<sup>3</sup>, разработанной на основе опыта, накопленного в процессе реализации стратегии развития Нового Узбекистана, и результатов общественного обсуждения, определены такие задачи, как..."доведение доли технологической продукции, производимой в промышленности, с 25 процентов до 32 процентов, повышение производительности труда в перерабатывающей промышленности в 2 раза, увеличение объема добавленной стоимости в промышленности до 45 миллиардов долларов и создание 2,5 миллионов высокооплачиваемых рабочих мест, производство импортозамещающей продукции крупными хозяйствующими субъектами и расширение кооперационных связей с региональными хозяйствующими субъектами." Для обеспечения выполнения этой задачи возникла необходимость системного подхода, позволяющего разработать современную модель управления финансовыми ресурсами хозяйствующего субъекта при эффективном управлении финансовыми ресурсами хозяйствующих субъектов и принятии научно обоснованных решений. Данная модель направлена на эффективное формирование и распределение финансовых ресурсов, способствуя не только получению максимальной прибыли и повышению инвестиционной привлекательности. Поэтому исследование усовершенствованных критериев оценки, обеспечивающих стабильность финансового состояния хозяйствующего субъекта, требует совершенствования на основе современных подходов и требований цифровой экономики.

Указы Президента Республики Узбекистан от 9 сентября 2023 года № УП-158 «О Стратегии «Узбекистан-2030», от 13 апреля 2021 года № ПФ-6207 «О мерах по дальнейшему развитию рынка капитала», от 27 октября 2020 года № УП-6096 «О мерах по ускорению реформирования хозяйствующих субъектов с государственным участием и приватизации государственных активов», от 24 апреля 2015 года № УП-4720 «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах», от 6 июля 2023 года № УП-108 «О мерах по развитию

---

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 11.09.2023 г. № УП-158 "О Стратегии "Узбекистан - 2030"

конкуренции и эффективной организации государственного управления в сфере защиты прав потребителей в рамках административной реформы», Указы Президента Республики Узбекистан от 23 января 2024 года № УП-39 «О мерах по внедрению рейтинга устойчивости субъектов предпринимательства», Постановление Кабинета Министров Министров Республики Узбекистан от 28 июля 2015 года № 207 «О введении критериев оценки эффективности деятельности акционерных обществ и других хозяйственных обществ с государственным участием», Постановление от 29 марта 2021 года № 166 «Об утверждении Стратегии управления и реформирования хозяйственных обществ с государственным участием на 2021-2025 годы», Постановление от 9 декабря 2020 года № 775 «О внедрении рейтинга устойчивости хозяйственных обществ с государственным участием». Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, обозначенных в постановлениях Правительства Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы оценки эффективности деятельности исполнительных органов хозяйствующих субъектов», приказе министра экономики и финансов Республики Узбекистан № 181 от 8 октября 2024 года «Об утверждении Положения о сроках представления финансовой отчетности, ее составе и содержании» и других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. "Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики."

**Обзор зарубежных исследований по теме диссертации.** Научно-практические исследования по совершенствованию методологии управления финансовыми ресурсами хозяйствующих субъектов проводятся международными организациями, ведущими университетами и центрами мира, среди которых Harvard Business School, MIT Sloan School of Management (США), Йельский университет, Калифорнийский университет, Колумбийский университет, Всемирный банк, МВФ, Нью-Йоркский университет, Чикагский университет, Ассоциация финансового менеджмента (США), Кембриджский университет, Гринвичский университет, Лондонская школа экономики и политических наук (LSE), Лондонская школа экономики (Великобритания), Исследования ведут Сингапурский национальный университет (NUS Business School), McKinsey Global Institute (Франция), Центр финансовых исследований (Германия), Общероссийская общественная организация «Российский клуб финансовых директоров» (Россия), McKinsey & Company, Институт финансов и товарных рынков (Германия), KU Leuven (Бельгия), Институт корпоративных финансов (CFI) (Германия), Ташкентский государственный экономический университет и Банковско-финансовая академия (Республика Узбекистан).<sup>4</sup>

---

<sup>4</sup> Proceedings of the Russian Financial Management Forum, Russian Club of Financial Directors, 2023. <https://financial-directors-club.ru>, Harvard Business School Working Knowledge: <https://hbswk.hbs.edu>,

